

СОЛИК *ва* ХАБАРЛАРИ

БОЖХОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, хафта бир марта чоп этилади

№ 36 (1360) • 2020 йил 8 сентябрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

ҚҚСни қайтариш:
хужожатлар ва муддатлар

2-3-бетлар

МАБЛАГ ЕТМАЙ ТУРГАНДА...

Кредитор билан «ҳисоблашиб
кетиш»нинг қонуний йўллари

4-бет

Корхонам тиббий хизмат
ҳақини тўлади. Мени
қандай солиқ оқибатлари
кутмоқда?

6-бет

КОНТРАКТ ПУЛИНИ
ТЎЛАГАНЛАРГА
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ
БОРМИ?

13-бет

Бу ва бошқа саволларга ДСҚ
мутахассиси жавоб беради

14-бет

Чет эллик ҳайдовчи жаримага
тортилса...

14-бет

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КОРРУПЦИЯДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Жаҳонда коррупцияга қарши курашнинг умумътироф
этилган, халқаро тажрибаларда синалган усууларини қўллашга
алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай усуулардан бирি
ISO 37001:2016 – пораҳўрликка қарши бошқарув тизимиdir.

ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши бошқарув тизими коррупция билан боғлиқ хатарларни бартараф этишга қаратилган. Ушбу стандарт ташкилотларга пораҳўрликка қарши тадбирларни ташкил этиши, амалга ошириш, қўллаб-кувватлаш ва кучайтиришга ёрдам беради.

Ушбу стандарт 2016 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан эълон килинган. Стандарт коррупцияга қарши бошқарув тизими (ABMS)ни жорий этиш, бошқариш, қўллаб-кувватлаш ва доимий равишда такомиллаштиришга қаратилган талабларни белгилайди. Ташкилот ушбу стандарт талабларига риоя қилиш учун тешлихи ҳаракатлар ва ёндашувларни амалга ошириш тўғрисида кўрсатма беради.

ISO 37001 стандарти давлат, хусусий ва нотижкорат соҳаларда, мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг ноқонуний манфаатларини кўзлай-

Марказий банк бошқарувининг
қарори (АВ рақами 3281,
31.08.2020 й.) билан Ўзбекистон
Республикасида валюта
операцияларини амалга ошириш
коидалари тасдиқланди.

Халқаро амалиётта мувофиқ Коидалар билан валютани тартиба соилиш соҳасидаги қонуности хужжатлари нормаларини бирхиллаштириш йўли билан валюта операцияларини амалга оширишнинг ягона тартиби белгиланди. 5 та норматив-хукукий хужжатнинг ўз кучини йўқотган деб топилиши валюта операцияларини амалга ошириш тартибининг соддлаштирилишига замин яратади.

Хужжат билан қуйидагилар тартиба солинган:

- тижорат банклари томонидан резидентларнинг ва норезидентларнинг чет эл валютасидаги хисобваракларни юритиши;
- ички валюта бозорида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операцияларини амалга ошириш;

• жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш;

Ўзбекистон худудида нақд чет эл валютасини қабул килиш;

- тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон худудидан олиб чикиш ва олиб кириш;

Коидалар билан қуйидаги янгиликлар жорий этилмоқда:

Биринчидан, қуйидагиларни талаб этувчи нормалар бекор қилинди:

- жисмоний шахслардан валюта операциясини амалга ошириш учун паспорт нусхасини тақдим этиш;

- банкларнинг мижозлари билан валюта операцияларини амалга ошириш чоғида ортиқча вакт ва хужжатларни;

- валюта биржаси савдоларида иштирок этиши учун мижознинг хисобваракларида албатта маблағлар захираси мавжуд бўлишини.

Марказий банкнинг валюта айирбошлаш шоҳобчаларини рўйхатта олиши ва уларга гувоҳномалар бериси амалиёти бекор килинмоқда.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларни айирбошлаш жараёни, шунингдек банклар томонидан уларнинг чет эл валютасини сотиб олиш учун аризаларини кўриб чикиш тартиби соддалаштирилди.

Учинчидан, сотиб олинган валютадан фойдаланища куляйликлар, хусусан турли сабабларга кўра хисобваракқа қайтарилган валюта маблағлари билан тақороран операцияларни амалга ошириш имконият яратиди.

Тўртнчидан, айирбошлаш операцияларини расмийлаштириш тартиби, айирбошлаш шоҳобчалари ходимларининг сони, хавфзисликка доир талаблар, уларни мониторинг килиш тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Хужжат Конун хужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон килинган ва 1.09.2020 йилдан кучга кирган.

Лола АБДУАЗИМОВА.

Бугунги кунда Буюк Британия, Италия, БАА, Перу, Сингапур, Хитой сингари мамлакатларнинг йирик ташкилот ва идоралари, таълим ва тадқикот марказларида бу тизимдан муваффакияти фойдаланилмоқда. Шунингдек, Microsoft ва Walmart сингари йирик компаниялар хам ISO 37001 сертификатига эга бўлиш ниятида эканлигини маълум қилган.

ISO 37001:2016 тизимини жорий килишда ҳеч қандай таниши-билишчилик, кўзбўйчалик кетмайди. Факат музайян идорада ушбу тизимнинг конун-коидаларни жорий этилгани халқаро эксперглар иштирокида тасдикланганидан кейингина ISO сертификати топширилади.

Бизда ҳам сўнгти йилларда коррупциянинг олдинги олиши ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йил 3 январь куни «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Конун, 2019 йил 27 майда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон килинди. 2020 йил



37001

26 июня Президент қарори билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Буларнинг барчasi мамлакатимизда коррупциянинг олдинги олиши ва унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган кенг камровли саъй-ҳаракатлар йўлга кўйилганидан дарак.

Аммо, бизнинг давлат идоралари мизимиҳи ҳали-ҳануз коррупция унсурларидан холос бўлолмаяпти. Халқаро миқёсдаги

16-бетда

ҚҚС суммасы ўрнини қоплаш тартиби тұғрисида низом тасдикланди (*ВМниңг 14.08.2020 ыйл-дагы 489-сон қарорига 1-ловы*). Бу ҳақда молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ баттағысын түшүнтириши берди.

САЛБИЙ ҚҚС ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИЛАДИ

Қопланиши (қайтарилиши) лозим бўлган ҚҚС суммаси деганда Солиқ кодексига мувофиқ аниқланадиган, товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир операцияларнинг солиқ базасидан хисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан олинган товарлар (хизматлар) бўйича хисобга олинадиган солиқ суммаси ўргасидаги салбий фарқ тушунилади (*Низом 4-б.*).

ҚҚС суммасини қоплаш тұғрисидаги карор солик тұловчи хисобга олинган жойдаги давлат солиқ бошкормаси томонидан, йирик солиқ тұловчилар бўйича эса Ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан кабуз қилинади (*Низом 6-б.*).

ҚҚС суммаси солиқ тұловчига солиқ органининг ижобий қарори асосида 60 кундан кечкитирмай қайтарилиши лозим, ҚҚСни қопланинг тезлаштирилган тартиби бундан мустасно (*Низом 7-б.*).

Солиқ тұловчи томонидан ортиқча тұлапланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқ суммасини қайтаришига, шунингдеп чет давлат фуқароларига солиқ суммаси ўрнини қоплаша (TAX FREE) нисбатан ушбу Низом қоидалари татбиқ этилмайды (*Низом 3-б.*)

Қандай ҳужжатлар керак бўлади

Солиқ суммасининг қопланиши солиқ тұловчи томонидан *my.soliq.uz* порталаидаги солиқ тұловчининг шахсий кабинети орқали хисобга олинган жой бўйича тақдим этилган ҚҚСнинг қопланиши лозим бўлган суммасини қайтариши тұғрисидаги ариза асосида амалга оширилади (*Низомга 2-ловы*).

Хорижий давлатларнинг ЎзРда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консультик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари томонидан солиқ органига бевосита ёки буюртма хати билан почта алоқаси хизмати орқали ариза тақдим этилади (*Низомга 3-лованинг 10-б.*)

Айрим ҳолатларда хизматларни реализация қиши жойи Ўзбекистон Республикаси худуди деб эътироф этилмайди. Мазкур ҳолатларда контракт ҳамда банк кўчирмаси ушбу хизматлар ҳакиқатда кўрсатилганлигини тасдикловчи ҳужжатлар хисобланади. Бунда воситачилик шартномасига асосан воситачининг (агентнинг) воситачилик ҳаки суммаси кўрсатилган хизматлар учун комитет хисобидан воситачига келиб тушган сумма-

дан ушлаб колинганлигини тасдикловчи ҳисобот (бажарилган ишлар тұғрисидаги далолатнома) тақдим этилади.

Контракт ва банк кўчирмаси Интернет орқали хизматлар кўрсатилганлигини тасдикловчи ҳужжатлар хисобланади. Хизматлар электрон шаклда кўрсатилган бўлса, умумкабул килинган хорижий амалиётта мувофиқ тузилган ҳисобот ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов амалга оширилганлигини тасдикловчи банк кўчирмаси ушбу хизматлар ҳакиқатда реализация қилинганлигини тасдикловчи ҳужжатлар хисобланади (*Низом 11-б.*).

Сув татьминоти, канализация, санитария жиҳатдан тозалаш, иссиқлик татьминоти бўйича хизматлар шахсларга кўрсатилганда (*СК 264-м. 3-к.*), аризага ушбу хизматлар реализация қилинганлиги тұғрисидаги маълумотлар илова килинади (*Низомга 4-лованинг 13-б.*).

ҚАЙТАРИШ МУДДАТЛАРИ

ҚҚС суммасини (тўлиқ ёки қисман) қоплаш тұғрисида ижобий қарор кабул қилинганда солиқ органи бир кун муддатда қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини хисобга олиш орқали солиқ тұловчининг бошқа солиқлардан бўлган солиқ қарзини узиши мустакил равишда амалга оширади (*СК 104-м.; Низом 29-б.*).

Шундан сўнг солиқ органи бир кун муддатда солиқ суммасининг колган қисми бўйича солиқ суммасини қайтариши тұғрисидаги холосани расмийлаштиради ва уни электрон шаклда Фазнчиликка юборади (*Низомга 8-лованинг 30-б.*).

Солиқ суммаси солиқ тұловчига солиқ органининг солиқ суммаси ўрнини қоплаш тұғрисидаги қарори асосида солиқ суммасини қоплаш (қайтариши) тұғрисидаги ариза тушган санадан эътиборан 60 кундан, Низомнинг 6-бобида кўрсатилган тартибида эса 7 кундан кечкитирмай қайтарилиши лозим *Низом 7-б.*

Ғазначилик солиқ органининг холосасини олгандан сўнг бир кунда автоматик тарзда солиқ суммасини солиқ тұловчининг банк хисобварағига ўтказади *Низом 31-б.*

Солиқ суммаси солиқ тұловчига қайтарилиши керак бўлган умумий муддат солиқ суммасини қоплаш (қайтариши) тұғрисидаги ариза тушган санадан эътиборан 60 кундан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади (*СК 274-м. 3-к.; Низом 7-б.*)

Солиқнинг жами суммаси ўрнини тезлаштирилган тарзда қоплаш тартиби бу ҳақда солиқ-



ни қайтариш тұғрисидаги аризада кўрсатилган тақдирда, куйидаги тоифадаги солиқ тұловчиларга нисбатан кўлланилади:

- йирик солиқ тұловчилар тоифасига кирилган юридик шахсларга;

- солиқни қоплашпа доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органлари билан гаров шартномасини СКнинг 109 ёки 107-моддаларда белгиланган тартибда расмийлаштирган солиқ тұловчиларга;

- экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга – агар илгари бу шахсларга солиқ суммаси копланган ва бунда қонунбузарлеклар аникланмаган бўлса, ноль даражали солиқ ставкаси кўлланилиши натижасида хосил бўлган солиқнинг ошиб кеттган суммалари қисмидан;

- хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўттан дипломатик ваколатхоналари, консультик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари;

- солиқ мониторинги иштирокчиларига (*СК 274-м. Низом 32-б.*)



Куйидаги ҳолларда ҚҚС суммасини қоплашынинг тезлаштирилган тартиби татбиқ этилмайди:

- аризага зарур ҳақиқатлар тўлиқ иловва қилинмаган бўлса;
- ариза тақдим этилган вактда солиқ тұловчы солиқларни тұламаслик хавфи даражаси ююри бўлган солиқ тұловчилар тоифасига мансуб бўлса (*Низом 32-б.*)

Солиқнинг ўрнини тезлаштирилган тартибда қоплашда солиқ тұловчи томонидан қоплаш учун аризада кўрсатилган ҚҚС суммаси унга тўлиқ ҳажмда солиқ суммасини қоплаш (қайтариши) тұғрисидаги ариза тушган санадан эътибо-

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Валюта операциялари амалиёти соддлаштирилди **1-бет**

• БОЖХОНА

– Коррупциядан қачон кутуламиз?
– Божхона контрабандада қарши курашишга доир хисобот берди
– Коидабузарлик учун жавобгарлик мукаррар
– Божхона аудити: камерал ва сайёр шаклда

– Божхона контрабандада қарши курашишга доир хисобот берди

1, 14-16-бетлар

• СОЛИҚ ТҰЛОВЧИ ЭЪТИБОРИГА

– Салбий ҚҚС қандай қайтарилади
– Қайтариши муддатлари
– Экспорт операциялари бўйича ҚҚСни қайтаришда қандай ҳужжатлар зарур
– Қандай ҳолларда ҚҚСни қайтариш рад этилиши мумкин

2-3-бетлар

• БУХГАЛЬТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Маблағ етмай турганда...

– Даромадлар тұғрисидаги маълумотнома нима учун керак

– Ҳодимлар саломатиги: корхона харажатларига солиқ солиқ **4-5-бетлар**

• СОЛИҚ СОЛИШ

– ЖШДС ва ходимни ёки унинг болаларини даволаш ҳаки

6-бет

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори

– «2020–2021 йилларда иктиносидий ўсишли тиқлаш ва иктиносидёт тармоқлари ҳамда сохаларидан тизимили таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тұғрисида»

7-12-бетлар

• МУТАХАССИС ШАРХИ

– Контракт пулини тұлғаганларга солиқ имтиёзлари борми?
– Хизмат кўрсатышда хисобварак-фактура қандай расмийлаштирилади

13-бет

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбалярда кўпайтириш, тарқатиши фақат «NORMA davrlari nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ран 7 күн ичіда қоллаб берилади (СК 274-м. 5-к.; Низом 7, 33-б.).

! Камерал солик текшируви натижаларында күра аризада күрсатылған солик суммасы ёки унинг бир қисми асоссуз деб топыра, солик тұловчи асоссуз равишта қолланған солик суммасының қоллашы санаидан то уни бюджеттеге тұлаши санаисига пеңя ҳисоблаган ҳолда Давлат бюджеттеги тұлаши шарт. Күрсатылған тартиб чет әл дипломатик ва уларга тенглестирилған ваколатхоналарға татбиқ этилмайды (Низом 34-б.).

ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БҮЙИЧА ҚҚСНИ ҚАЙТАРИШДА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР

Низом билан экспортда ҚҚСни қайтариш учун ҳужжатлар тұплами белгиланды.

Экспорт операциялары бүйича солик суммасы ўрнини қоллаш түгристедеги аризага қойылады ҳужжатлар илова килинады:

- контракт (контракттеги белгиланған тартибда тасдиқланған күчирма нұсқаси);

- товарларни чиқаришни амалға оширувчи божхона органининг товарларни ҮзР божхона худудидан олиб чиқып учун белгиси күйилған БЮД;

- ҮзРнинг божхона худудидан үтказиш пункті жойлашған божхона органининг товарлар белгиланған мамлекатта жүннатылғанлығын тасдиқловчи белгиси күйилған, товарға илова қилинадиган ҳужжатлар;

- товарлар экспортта воситачи (ишенчли өркөл) воситачи (топширик) шартномасы бүйича реализация килингенде экспортни тасдиқлаш учун комитет (ишенч билдирувчи) томондан күшімча тарзда солик тұловчининг воситачи ёки ишенчли вакыл билан түзилған воситачи шартномасы амалға оширилді;

- үйловчилар, бағажлар, юклар ва почтани халқаро үйналишда ташып бүйича хизматтар реализация килингенде – үйловчилар, бағажлар, юклар ва почтани халқаро үйналишда ташып бүйича ягона халқаро ташып ҳужжатлар реестри;

- валюта маблағлары түшгілігін тасдиқловчи банк маълумотномасы;

- товарлар экспорт қилингандығы ва валюта маблағлары түшгілігі түгристедеги маълумотлар (Низом 6-илюстрация);

- товарлар экспорт қилингандығын тасдиқлаш учун амалға ошириләйттән фаянияттеги түргида караб бошқа ҳужжатлар.

Агар күрсатылған ҳужжатлар Ташки савдо операцияларында ягона электрон ахборот тизимінде мағжуд бўлса, мазкур ҳужжатларни солик органига тақдим этиш талаб этилмайды (Низом 14-б.).

ҮзРнинг божхона худудидан товарларни қайта ишлеш бүйича хизматларга нисбатан солик суммасы ўрнини қоллашда қойыдагилар зарур (СК 262-м.):

- контракт (контракттеги белгиланған тартибда тасдиқланған күчирма нұсқаси);

- товарларни чиқаришни амалға оширувчи божхона органининг товарларни ҮзР божхона худудидан олиб чиқып учун белгиси күйилған БЮД;

ҮзРнинг божхона худудидан үтказиш пунктінде жойлашған божхона органининг товарлар белгиланған мамлекатта жүннатылғанлығын тасдиқловчи белгиси күйилған, товарға илова қилинадиган ҳужжатлар (Низом 15-б.).

Ноль даражалы ставка құлланыши натижасыда ҳосил бўлган ва копланиши лозим бўлган солик суммасынинг асосланғанлыгини тасдиқлаш учун солик тұловчи аризага солик тұловчига қоллаб берилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси бўйича хисоб-китобни илова килилади.

Бунда товарларни экспортта жүннатиш ва жүннатылған товар учун тұловлар түрли чет эл валютасыда амалга оширилган бўлса, юклаб жүннатиш амалга оширилган санаада чет эл валютасынинг Мб курси бўйича миллий валютада (сўмда) кайта хисоблаб чишишнинг ҳисоб-китобини илова килилади (Низомга 7-илюстрация 16-б.).

! Солик тұловчининг аризаси юкорида күрсатылған иловаарлар – тасдиқловчи ҳужжатлар – тақдим этилса, солик органдарни уни кўриб чиқылмаган ҳолда 5 күн мобайниди қайтаради. Бунда солик тұловочи тасдиқловчи ҳужжатларни илова қылган ҳолда, қайта ариза бершига ҳақли (Низом 17-б.).

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ҚҚСНИ ҚАЙТАРИШ РАД ЭТИЛИШИ МУМКИН

Копланиши (қайтарилиши) назарда тутилган ҚҚС суммасынинг асосланғанлыги юзасыдан солик органдарни солик текширувни ўтказади. Камерал солик текшируви солик органдарни текширув ўтказиш түгристедеги буйругисиз амалга оширилади.

Агар аризада күрсатиб ўтилган солик даври бүйича ҚҚСнинг түғри ҳисобланиши юзасыдан аввал солик аудити ўтказилған бўлса, копланиши назарда тутилган ҚҚС суммасынинг асосланғанлыги юзасыдан камерал солик текширув ўтказилмайды (Низом 18-б.).

Бундай текширув солик тұловчи томонидан ариза тақдим этилган кундан кейинги кундан бошланади ва 50 күнгача бўлган муддатда якунланиши лозим (Низом 19-б.).

Уни ўтказиш даврида солик органдарни худудлари ва биноларини кўздан кечиришини амалга оширишга, зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга, шунингдек учинчи шахслардан тегиши ҳужжатлар ва маълумотларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли (СК 145-147-м.; Низом 20-б.).

Солик органдарни мансабдор шахси камерал солик текшируви натижаларында бүйича аниқланған ҳолатларни баён этган ҳолда ҳулоса расмийлаштиради ва бир кундан кечиримай тегишили карор қабул қилиш учун солик органдарни раҳбарига (үринбосарига) киритади (Низом 21-б.).

! ҚҚС суммасын қоллаши (тўлиқ ёки қисман) ёки қоллашын рад этиши түгристедеги қарор солик тұловчининг аризаси олинган кундан бошлаб эллик кундан ошимаган муддатда қабул қилиншиши лозим (Низом 23-б.).

Қарорнинг ўзи уч кисмдан иборат:

- кириш кисмida: қарор қабул қилинган вақт, жой, қарорни қабул килган мансабдор шахснинг Ф.И.О., лавозими, солик тұловчининг номи, солик тұловчининг СТИРи, аризанинг солик органдарни рўйхатта олинган санааси ва раками, копланиши суралаётган ҚҚС суммасы күрсатилади.

- тасиф-асослантириш кисмida: камерал солик текшируви ўтказган мансабдор шахснинг Ф.И.О., лавозими, бошқа соликлардан бўлган солик қарзини қоллаш ҳисобига йўналтириладиган ҚҚС суммаси, банк ҳисобварагига копланиши (қайтарилиши) лозим деб тутилган ҚҚС суммаси, копланиши рад этилган (тўлиқ ёки қисман) ҳолларда эса рад этиши асослари батафсил баён қилинади.



• қарор кисмida: бошқа соликлардан бўлган солик қарзини қоллаш ҳисобига йўналтириладиган ҚҚС суммаси, солик тұловчининг банк ҳисобварагига қайтарилиши лозим деб тутилган ҚҚС суммаси, копланиши рад этилган ҳолларда рад этилган (тўлиқ ёки қисман) ҚҚС суммаси ҳамда рад этилган ҚҚС суммаси миқдорида солик ҳисоботига тузатиш киритиш мажбурияти, қарор устидан шикоят қилиш ҳукуки күрсатилади (Низом 24-б.).

! ҚҚС суммасын қоллашни рад этишини (тўлиқ ёки қисман) ўз ичига олган қарор қийидаги ҳолатларда қабул қилинади:

- солик суммасын ҳисобга олиши ҳукукини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганди;

- товарлар (хизматлар) реализация қилиншида ҳисобвараг-фактуралар электрон ҳисобвараг-фактураларнинг ахборот тизимидан расмийлаштирилмаганди;

- солик тұловочи томонидан реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобвараг-фактураларнан расмийлаштириш тўлиқ электрон ҳисобвараг-фактураларнинг ахборот тизимидан расмийлаштирилмаганди;

- солик тұловочи томонидан реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобвараг-фактураларнан расмийлаштириш тўлиқ электрон ҳисобвараг-фактураларнинг ахборот тизимидан расмийлаштирилмаганди;

- ҳукуки сущистеъмол қилиши, қалбаки ёки кўзбўямачилик учун битимлар түзилиши (операциялар амалга ошириши) орқали солики тўламаслиқ ёки тўлиқ тўламаслик фактлари аниқланғанди;

- битимлар (операциялар) ҳақиқий эмас ва тадбиркорлик фаолияти доирасида даромад олишига қаратилмаган ёки (ва) иктисодий эсихатдан ўзини оқламаган деб тутилганда;

- солик тұловочи томонидан сўралган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки соҳта ҳужжатлар тақдим этилмаганди, шунингдек, ҳудудни ишлаб чиқарши, омборхона, шу жумладан, солик тұловочи даромад олиши учун фойдаланадиган ёки солик солиси объектларини сақлаши билан боғлиқ жойларни кўздан кечириши, сайдер солик текширувни ўтказиган түс-қинлик қилинганда (Низом 25-б.).

Солик органдарни томонидан қабул қилинган қарор солик тұловчига унинг шахсий кабинети орқали, ушбу қарор қабул қилинган кундан этиборан 1 кундан кечиримай юборилади (Низом 26-б.).

! ҚҚС суммасын қоллаши (тўлиқ ёки қисман) түгристедеги қарор қабул қилинганда қопланиши асосли деб тутилмаган солик суммаси юзасыдан СКнинг 138-моддасига асосан умумий тартибда камерал солик текшируви ўтказилади (Низом 27-б.).

МАБЛАГ ЕТМАЙ ТУРГАНДА...

Корхонада ижрочининг бажарган ишлари ҳақини тўлаш учун маблаг бўлмай қолиши мумкин. Бироқ унда айни шу – харидорларнинг тўлов қобилияти пасайгани сабабли учча яхши сотилмаётган маҳсулот бор. Ушбу вазиятда кредитор бунга розилик билдириса, унга маҳсулот сотиб, муаммони ҳал килса бўлади. Шундан сўнг мукобил талабларни хисобга олиш мумкин.

«Norga» компанияси етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА *buxgalter.uz* илтимосига кўра бундай операциянинг бухгалтерия хисоби ва солик оқибатлари ҳақида гапириб берди.

Хужжатлар билан расмийлаштириш

– Бажарилган ишлар учун карздорликнинг мавжудлиги корхона улар бажарилганини тасдиқлаганидан – бажарилган ишлар далолатномаси ва хисобварак-фактурани имзолаганидан далолат беради.



Кредитор қарзи сўндирилиши учун маҳсулотингизни олишга розилик билдириса:

- у билан харид қилинадиган маҳсулот ҳажми ва қийматини (у корхонагиз учун бажарилган ишлар қийматига яқин бўлиши кераклигини инобатга олган ҳолда) келишиб олинг. Бунда хисоб-китоб иккала тараф учун иктиносидий жижатдан максадга мувофиқ бўлиши керак.

Эҳтимол, кредиторингизга бажарилган ишлар қийматидан камроқ ёки кўпроқ ҳажм керакдир;

- келинадиган маҳсулот ҳажми-ни сотиш шартномасини расмийлаштириш.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича стандарт шартнома тайёрланг.

! 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат улуши 50%дан кам бўлган корхоналар билан шартномалар бўйича ички бозорда олдиндан 15 фюз тўловни амалга ошишига доир талаб бекор қилинган (30.01.2018 й. ПФ-5564-сон Формон 1-б. «а» кичик банди).

Корхонагиз давлат улушига эга бўлмаса ёки у 50%дан кам бўлса, шартнома олдиндан тўлов ҳақидаги шартни киритманг. Бу ҳолда у тўланмайди.

! Ўзбекистон доирасида маҳсулот етказиб бериши тўғрисида бартер асосидаги шартномаларни тузни тақиқланган (9.08.1996 йилдаги ПФ-1504-сон Фармон 4-б.).

Ишлар бажарилгани учун етказиб бериши амалга оширилаётганини шартнома шартларига киритманг, акс ҳолда у бартер шартномаси ҳисобланади.

● зарур хужжатларни (харидор томонидан берилган ишончнома, хисобварак-фактура) расмийлаштирган ҳолда кредиторга маҳсулот берилшини расмийлаштиринг.

Маҳсулот етказиб берилганидан кейин сизда дебиторлик қарзи юзага келади. Ушбу боскичда мукобил талаблар хисобга олинишини расмийлаштириши мумкин. Бунинг учун та-

рафлардан бири ариза берса кифоя (ФК 343-м.).

Талабномаларнинг суммаларини тасдиқлаш учун иккала шартнома бўйича ўзаро хисоб-китобларни солишиши даролатномасини аризага илова килинг.

Натижада:

- ҳар бир тараф ўзи учун зарур нарсани олади;
- ўзаро қарзлар сўндирилади.

Солик оқибатлари

Ҳар бир тараф одатдаги тартибда тўлайдиган соликларни тўлади.

Ишларни бажарувчи учун бажарилган ишлар ҳажми даромад бўлади. Маҳсулот етказиб берувчи учун – уни сотиш ҳажми.

! Товарлар (хизматлар) харидори фақат электрон шаклда қа-бул қилинган хисобварак-фактураларда акс этирилган ККС суммасини хисобга олиш ҳукуқига эга (Низом 10-б., ВМнинг 14.08.2020 й. 489-сон қарорига 1-илва).

Корхоналар қиймати бир ҳил – 2 300 млн сўм бўлган товарларни (хизматларни) бир-бирларига бер-

ган вазиятдаги эҳтимолий варианtlарни кўриб чиқамиз.

Кўрсаткич	А ва В корхоналари – айланмадан олинадиган соликни тўловчилар (4%лик ставка)		А ва В корхоналари – ККС ва фойда солигини тўловчилар		А корхонаси – айланмадан олинадиган соликни тўловчи (4%), В корхонаси – ККС ва фойда солигини тўловчи	
	A	B	A	B	A	B
Хисобварак-фактурада ККС	–	–	2 300 / 115 x 15 = 300	300	–	300
Хисобга олинадиган ККС	–	–	300	300	–	–
Тўланадиган ККС	–	–	0	0	–	300
Айланмадан олинадиган солик	2 300 x 4% = 92	92	–	–	92	–
Даромад	2 300	2 300	2 000	2 000	2 300	2 000
Мукобил етказиб бериш бўйича ҳаражатлар	2 300	2 300	2 000	2 000	2 300	2 300
Хисобга олингандан кейнги қарзлар	–	–	–	–	–	–

Тарафлар ҳар ҳил солик тўлаган вариант энг фойдасиз эканлиги жадвалдан кўриниб турибди. Бу ҳолда ККС ва фойда солигини тўлов-

чи В корхонасида ККСни хисобга олиш имкони бўлмайди, натижада унинг ҳаражатлари 300 млн сўмга ошади.

Бухгалтерия хисоби

Хўжалик операцисининг мазмуни	Дебет	Кредит
Материаллар, товарлар олиниди	1000-«Материалларни хисобга олувчи счёлтар» 2900-«Товарларни хисобга олувчи счёлтар»	6010-«Етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёлтар»
Хизматлар олиниди	Ҳаражатларни хисобга олувчи счёлтар	6010-«Етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёлтар»
ККС хисобга олиш (тўловчилар учун)	4410-«Соликлар ва бюджетта мажбурий тўловлар бўйича бўннак тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёлтар»
Маҳсулотлар, товарлар, хизматлар реализация килинди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёлтар»	9010-«Тайёр маҳсулот реализациасидан даромадлар» 9020-«Товарлар реализациасидан даромадлар» 9030-«Ишларни бажарши ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Маҳсулотлар, товарлар, хизматлар таннархини хисобдан чиқариши	9110-«Реализация килинган тайёр маҳсулот таннархига» 9120-«Реализация килинган товарларнинг таннархига» 9130-«Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар таннархига»	2800-«Тайёр маҳсулотни хисобга олувчи счёлтар» 2900-«Товарларни хисобга олувчи счёлтар» 2010-«Асосий ишлаб чиқариши»
ККСни хисоблаш (тўловчилар учун), ККС хисобга олиниди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёлтар» 6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)» 4410-«Соликлар ва бюджетта мажбурий тўловлар бўйича бўннак тўловлари (турлари бўйича)»
Бир турдаги мукобил талабларни хисобга олиш	6010-«Етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёлтар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёлтар»
Олинган товарлар (хизматлар) киймати берилгандарининг кийматидан ошса, кўшимча тўлаш	6010-«Етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счёлтар»	5110-«Хисоб-китоб счёти»
Берилган товарлар (хизматлар) киймати олингандарининг кийматидан ошса, кўшимча тўловни олиш	5110-«Хисоб-китоб счёти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёлтар»

ДАРОМАДЛАР ТҮГРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА НИМА УЧУН КЕРАК

2019 йилдан ЖШДСнинг бир текис шкаласи жорий этилган, бироқ Солик кодексида жисмоний шахе илгариги иш жойидан тўланган Даромадлар ва ушлаб қолинган солик суммалари түгрисидаги маълумотномани тақдим этиши ҳакидаги талаб сакланиб колган. «Norma» компанияси эксперти Дибором САЙДОВА бу нима учун кераклигини тушунириб берди.

2019 йилгача ЖШДС шкаласи прогрессив бўлган, ходим йил мобайнида асосий иш жойини ўзгартирган тақдирда илгариги иш жойидан Даромадлар түгрисидаги маълумотномани олиб келиши керак бўлган. Акс ҳолда ЖШДС энг юкори шкала бўйича хисоблаб чиқарилар, бу ходимнинг ўзига зарар келтиради.

2019 йилдан ЖШДС шкаласи бир текис бўлди, бироқ Маълумотномани тақдим этиши ҳакидаги талаб сакланиб қолди. Савол юзага келади – унинг тақдим этилмаслиги солик суммасига таъсир кўрсатмаса, уни нима сабабдан тақдим этиши керак?

Агар янги ишга қабул қилинган ходим дастлабки иш ҳаки хисоблангунга кадар Даромадлар түгрисидаги

маълумотномани ёки СТИРни тақдим этмаса, у ҳолда ЖШДС қўйидаги суммалар бўйича имтиёзлар қўлланнилмаган ҳолда ушлаб қолинади:

МХЭКМнинг 7,5 баравари миқдорида моддий ёрдам суммалари (СК 378-м. 1-б. 3-хатбоши, 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон 2-б.);

бошқа даромадлар бўйича имтиёзлар (СК 380-м.) – МХЭКМнинг 1,41 баравари миқдорида.

Маълумотномани ва СТИР тақдим этилган тақдирда солик суммаси илгариги асосий иш жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда кайта хисоб-китоб қилинади (СК 388-м. 8-к.).

Бундай вазиятларни шартли мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

1-МИСОЛ. Иш ҳакини имтиёзни қўлламасдан ҳисоблаши

2020 йил 15 июнда корхонадаги асосий иш жойига II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходим қабул қилинган. Ходим таббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномасини тақдим этган. Ходим 2020 йилда ишга қабул қилинганига қадар бошқа корхонада ишлаган, бироқ илгариги иш жойидан Даромадлар түгрисидаги маълумотномани тақдим этмаган. Шу сабабли бухгалтер 2020 йил ишол ойи учун иш ҳакини ҳисоблаётганда МХЭКМнинг 1,41 бараварини чегириши кўринишидаги имтиёзни қўлламаган (957 855,3 сўм (679 330 x 1,41)) (СК 380-м. 1-к. 3-б.). Август ойида ходим илгариги иш жойидан Даромадлар түгрисидаги маълумотномани олиб келган. Энди бухгалтер август ойи учун иш ҳакини ҳисоблаётганда имтиёзни ва илгариги иш жойидан олинган даромадни инобатга олган ҳолда жорий ишол ойи учун илгарига ушлаб қолинган соликни қайта ҳисоб-китоб қиласди.

ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ: КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШ

Корхоналар ходимларнинг саломатлигини хисояни қилиш мақсадида Covid-19 га тестлардан ўтказиши, хисояни воситалари ва бошқа профилактика тадбирлари учун харажат қилемокдалар. Бундан ташқари, яқинда гриппдан эмлаш даври бошланади. Ушбу харажатлар бўйича солик оқибатлари юзага келадими?

Covid-19га қарши курашиб...

Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради (МК 211-м.).

Covid-19 тарқалишига карши мажбурий гигиеник талаблар белгиланган. Улар ташкилий-хуқуқий, мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан катъи назар, барча ташкилларга, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам таалуклидир (SanҚвам 0372-20-сон, 11.05.2020 й.).

Масалан, ушбу қоидалар билан никоблар, қўл-коплар, антисептиклар, ювувчи ва дезинфекциялови воситалардан фойдаланиши назарда тутилган. Шунингдек дастлабки (ишга кўйишдан олдин) ҳамда даврий тибий кўриқдан ўтказилади. Covid-19 га тестлар ҳам пандемияга карши курашиш бўйича тадбирлар сирасига киради.

Корхонанинг коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун харажатлари қонун хужжатлари қоидаларидан келиб чиқади, улар хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини таъминлашга йўналтирилган, шу сабабли:

- уларга ходимларнинг даромадлари сифатида қаралмаслиги ҳамда ЖШДС (СК 369-м. 2-к.)



5-б.) ва ижтимоий солик солинмаслиги керак (СК 403, 404-м.);

- улар иктисодий жихатдан ўзини оқлаган чиқимлар бўлиб, фойда солигини ҳисоблаш чогида чегириллади (СК 305-м.).

Бундай харажатлар бўйича КҚС барча шартларга мувоғиқ келганда ҳисобга олиниши мумкин (СК 266-м.).

Айланмадан олинадиган солик ҳисоблаб чиқариладиганда харажатлар ҳисобга олинмайди (СК 463, 464-м.).

Эмлаш

Кузги даврда кўпгина корхоналар ходимлари ва уларнинг қариндошларини грипп ва бошқа инфекциялардан эмлаш ҳакини ўз маблағлари хисобидан тўлайдилар.

Тиббий хизмат кўрсатиш, унинг доирасида ўз ходимларини ҳамда уларнинг болаларини эмлатиш учун соғлиқни саклаш ташкилоти билан шартно-

ма тузган бўлсангиз, ЖШДС бўйича имтиёздан фойдаланыша ҳақлисиз (СК 378-м. 3-б.). Бу ҳакда батафсил бу ерда ўқинг.

Вакциналарни ҳарид килиб, уларни кейинчалик ходимларга мустакил эмланишлари учун таркетган бўлсангиз, ЖШДС бўйича имтиёзни қўллаш учун хужжатли асосга эга бўлмайсиз.

Дори воситаларини реализация килиш бўйича айланма КҚСдан озод этилган (СК 243-м. 1-к. 13-б.).

Иш берувчининг эмлаш учун сарфлаган харажатлари ходимларнинг моддий наф тарзида даромадларига киради (СК 376-м. 1-к.), шу сабабли:

- уларга ижтимоий солик солинмайди (СК 403, 404-м.);
- улар фойда солигини ҳисоблаш чогида чегирилмайди (СК 317-м. 3-к.).

ТАВСИЯ

Корхонагиз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб харажатларигизни асослаш учун уларни СанҚвам ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талаблари билан солиштиринг. Фойда солигини ҳисоблаш чогида қонун ҳужжатлари қоидаларидан келиб чиқадиган харажатларигина чегириши мумкин. Хавфсизлик ва гигиенани таъминлаш чоратадебирларига сарфланган харажатларни ҳужжатлар билан тасдиқлаш учун уларни корхонанинг локал ҳужжати билан тасдиқланг.

Олег ЦОЙ,
«Norma» компанияси эксперти.



ЖШДС ВА ХОДИМНИ ЁКИ УНИНГ БОЛАЛАРИНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИ

Бухгалтерия ҳисоби

Бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар қўйидагича акс эттирилади:

1) тўлов соғликини сақлаш ташкилотининг счётига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Тиббий хизмат кўрсатиш учун маблагъ ўтказилди	4330-«Бошка берилган бўнклар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Ходимнинг даромади хисобланадиган тиббий хизмат кўрсатилганини учун корхона харажатлари акс эттирилди	9430-«Бошка операцион харажатлар»	6740-«Ходимлар билан моддий наф тарзидаи даромадлар бўйича хисоблашишлар»*
Соғликини сақлаш ташкилоти томонидан хизматлар кўрсатилгани акс эттирилди	6740-«Ходимлар билан моддий наф тарзидаи даромадлар бўйича хисоблашишлар»*	6010-«Етказиб берувчила ва пудрагчила тўланадиган счётлар» ёки 6990-«Бошка мажбуриятлар»
Илгари берилган аванс хисобга олинди	6010-«Етказиб берувчила ва пудрагчила тўланадиган счётлар» ёки 6990-«Бошка мажбуриятлар»	4330-«Бошка берилган бўнклар»

2) нақд пул берилганда:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Нақд пул маблаглари берилди (тасдикловчи хужжатни тақдим этиши шарти билан)	4790-«Ходимларнинг бошка қарзлари»	5010-«Миллий валютадаги пул маблаглари»
Ходимнинг даромади хисобланадиган тиббий хизмат кўрсатилганини учун корхона харажатлари акс эттирилди	9430-«Бошка операцион харажатлар»	6740-«Ходимлар билан моддий наф тарзидаи даромадлар бўйича хисоблашишлар»*
Илгари берилган аванс хисобга олинди (тасдикловчи хужжат тақдим этилганда)	6740-«Ходимлар билан моддий наф тарзидаи даромадлар бўйича хисоблашишлар»*	4790-«Ходимларнинг бошка қарзлари»

3) маблаглар ходимнинг банкдаги хисобварагига ўтказилганда:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Пул маблаглари ходимнинг банкдаги хисобварагига ўтказилди (тасдикловчи хужжатни тақдим этиши шарти билан)	4790-«Ходимларнинг бошка қарзлари»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Ходимнинг даромади хисобланадиган тиббий хизмат кўрсатилганини учун корхона харажатлари акс эттирилди	9430-«Бошка операцион харажатлар»	6740-«Ходимлар билан моддий наф тарзидаи даромадлар бўйича хисоблашишлар»*

*Ҳисобвараклар ишчи режасига 6740-«Моддий наф тарзидаи даромадлар бўйича ходимлар билан хисоблашиш» счётини киритиш тавсия этилади.

Олег ЦОЙ,
«Norma» МЧЖ эксперти.

? **Ходим унга кўрсатилган тиббий хизмат ҳақини тўлашини илтинос қилиб, ўз корхонаси раҳбариятига мурожасат қилди. Бундай ҳўжсалик операцияси қандай амалга оширилади ва ҳисобга олинади?**

- Корхона тиббий хизмат кўрсатишга муҳтоҷ бўлган ходими ёки унинг болаларига ёрдам беришга тайёр бўлса, буни кўйидагиларга асослани амалга ошириши мумкин:
 - ҳаражатларни тўлашини сўраб раҳбар номига ёзилган ходимнинг аризаси;
 - соғликини сақлаш ташкилотла ти томонидан берилган ҳужжатлар (шартнома, хизматлар ҳақини тўлаш учун счёти ва х.к.).

Тиббий хизмат ҳақи тўланганини раҳбар бўйруги билан расмийлаштириш. Бўйруқда ҳаражатлар суммасига

Ходимга нақд пул берадиганда ёки унинг банкдаги хисобварагига маблагларни ўтказаётганда ходимдан тиббий хизмат ҳақи тўланганини тасдиқловчи ҳўжжатларни олининг. Бу касса чеки ёки терминал чеки бўлиши мумкин.

Маблаглардан мақсадли фойдаланилганини тасдиқловчи ҳўжжатларни тасдиқловчи ҳўжжатларни тан олмасликлари мумкин.

Солиқ оқибатлари

Иш берувчининг стационара ва амбулатор тиббий хизмат кўрсатиш учун ҳаражатлари ходимнинг моддий наф тарзидаи даромадларига киради (*СК 376-м. 1-к, 1-б.*). Улрага кўйидаги солиқлар солинмайди:

- ЖШДС (*СК 378-м. 3-б.*);
- ижтимоий солиқ (*СК 403, 404-м.*).

Ушбу ҳаражатлар фойда солиғини хисоб-китоб килиш чогига чегирилмайди (*СК 317-м. 3-б.*).

! Кўйидаги ҳолларда ЖШДС бўйича имтиёздан фойдаланишига ҳақлисиз:

- ходим ва унинг болаларига тиббий хизмат кўрсатиш учун маблаглар тўланган ва сарфланган бўлса;
- ҳаражатлар суммасига доир ва улардан мақсадли фойдаланилганини тасдиқловчи ҳўжжатларни мавжӯд бўлса.

Бу ҳолда ёрдам миқдори меъёри белгиланмагани сабабли, у қанча миқдорни ташкил этишидан қатни назар, солиқ имтиёзларини кўплашингиз мумкин. Тиббий хизмат ҳақи тўланшишига асос бўлган соғликини сақлаш ташкилотларининг ҳўжжатларни маблагъ тўланган санадан аввалроқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

Солиқ ҳисоботида акс эттириш

Соғликини сақлаш ташкилотларинг ҳўжжатлари асосида ҳақи тўланган тиббий хизмат кўрсатиш ҳаражатлари суммасини кўйидагиларда акс эттиришинг:

1. ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида (*4-иолова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.*):

- 012-саттра;
- банд ва имтиёз мазмунини танлаб,
- 2-иолова «Ҳаражатлар» иловаси 0118-сатрининг 3 ва 4-устунларида (*3-иолова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.*).

лари ёйилмаси»нинг 0301-сатрида; б-иолова «Ҳар бир жисмоний шахс кесимида хисобланган мулкий (дивиденд ва фоизлардан ташқари), моддий наф тарзидаи ва бошка даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тўғрисида маълумот»да.

2. Фойда солиғи хисоб-китобига 2-«Ҳаражатлар» иловаси 0118-сатрининг 3 ва 4-устунларида (*3-иолова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.*).

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

2020-2021 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТИКЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ҲАМДА СОҲАЛАРИДА ТИЗИМЛИ ТАРКИБИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТҮГРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ху-
зурларидаги Коронавирус пандемиясининг ўзбекистон Респуб-
ликасини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга тасъирининг
салбий оқибатларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти
субъектарининг инвестицияйи ва ташкил иқтисодия фаоли-
гини тикилаш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни янада
чукурлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш маъсадидага ўт-
казилган мажлислари тошириқлардан келиб чиқиб, Вазирлар
Маҳкамаси қарор қилидай:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камба-
ғалликини қисқартириш вазирлиги, Молиявазирлиги, Бандлик ва
мехнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки томонидан бошча вазирликлар,
идоралар ва ўзхалик бирлашмалари билан биргаликда иқтисодиёт
тармоқлари ҳамда соҳаларида таркиби ўзгаришларни
тиклиш ва давом этириш бўйича кўйдагиларга қаратилган
чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини маълумот учун қабул
қилинсин:

2020 йилда иқтисодиёт асосий секторларининг ривожлани-
шини саклашга ва 2021 йилдан бошлаб барқарор иқтисодий
ўсишни 5,0-5,5 физи дарражасида таъминлашга йўнантирилган
макроиктисодий сиёсатни амалга ошириш ва бозор ин-
ситутларини исполх қилишини давом этириш;

Биринчи навбатда, инкизордан кейинги ривожланиш даври-
да банкларни трансформация қилиш ва банк хизматларидан
фойдаланниш самарадорлигини ҳамда уларнинг сифатини оши-
риши таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга
қаратилган банк тизимини янада исполх қилиш;

ахоли бандларни таъминлашга ва даромадларни ошириш,
тадбиркорлик фаолиятини биринчи марта амалга ошириёттган
шахсларни молиявий кўллаб-куватлаш бўйича дастурий
чора-тадбирларни қенгайтириш орқали ички талабни рағбат-
лантириш ва камбағалликини қисқартириш;

саноат ва рақобат сиёсатини, жумладан, маҳаллий иш-
лаб чиқариш маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш,
тармоқлараро кооперация алокаларини ривожлантириш,
шунингдек, саноатнинг стратегик тармоқлари корхоналарida
ислоҳотларни давом этириш асосида такомиллаштириш;

инвестиция жарабёнларини, биринчи навбатда, маҳаллий
инвесторларнинг инфраструктурали лойиҳаларини молиялашти-
риш ва қўшилган кўйматнинг ишлаб чиқариши «занжирларни»
яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироқини
рағбатлантириш учун ички манబаларни қенгайтириш йўли
билан фаоллаштириш;

экспорт қўлувчи корхоналарни кўшимча молиявий кўллаб-
куватлаш орқали, шу жумладан савдони молиялаштиришнинг

замонавий воситаларидан фойдаланишни қенгайтириш,
маҳаллий маҳсулотларни янги экспорт бозорларига етказиб
бериши қенгайтиришда савдо-воситачилик ташкилотларини
raigbatlanтириш хисобига ташкил иқтисодий фаолиятни
raigbatlanтириш ва экспорт қўлувчи корхоналарни кўл-
лаб-куватлаш;

давлат ҳаридлари тизимида хусусий тадбиркорлик субъ-
ектарининг иштирокини қенгайтириш, ҳудудлардаги қичик
саноат зоналарини уларга ишлаб чиқариш ва транспорт инф-
ратузилмаси объектларни ўтказиш учун кўшимча молиявий
ресурсларни ажратсан ҳолда ривожлантириш асосида ишби-
лармонлик ва рақобат мухитининг кўзлагилигин ошириш,
хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

ҳудудларда ахолига комплекс хизматлар кўрсатадиган
савдо ташкилотлари тармоғини ривожлантириш, маҳаллий
мобиль алоқа операторларининг давлат активларини босқич-
ма-босқич сотиши ва қишлоқ жойларда телекоммуникация тар-
моқларни ривожлантиришга хусусий инвестицияларни жалб
қилиш, шунингдек, 2021 йилда барча ижтимоий муассасалар,
қишлоқ ахоли пунктлари ва маҳаллалари юқори тезлидаги
Интернет жаҳон ахборот тармоғига улашни яқунлаш хисобига
хизматлар соҳаси корхоналарни кўллаб-куватлаш ва
рақамли технологияларни ривожлантириш.

2. Кўйидагилар:

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқти-
содий ўсишни тикилаш ва тизимли таркиби ўзгаришларни
давом этириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси (кейинги
ўринларда – Ҳаракатлар режаси) 1-иловага мувофиқ;

Иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни тикилаш ва давом
эттириш чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «кўл
харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага**
мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosарлари
(А.Ж.Раматов, Ж.А.Қўчкоров, С.У.Умурзаков) ва Баш вазир
маслаҳатчиси (О.М.Умаров) бир хафта муддатда тадбирлар-
ни амалга оширишнинг аниқ босқичлари ва муддатларини
кўрсатган ҳолда, Ҳаракатлар режаси ва «Йўл харитасини
амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши
ҳамда уларнинг тегисли вазирликлар, идоралар ва ўзхалик
бирашмалари кесимида тасдиқланниши таъминласин.

4. Мутасадди вазирликлар, идоралар ва ўзхалик бира-
шмалари раҳбарларининг зиммасига Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликини қисқартириш
вазирлигига ҳар ойда маълумот киритган ҳолда Ҳаракатлар
режаси ва «Йўл харитаси»даги тегиши тадбирлар ўз вакти-
да ва сифатли амалга ошириш таъминланиши учун шахсий
маъсуллият юклансин.

*Ушбу қарор Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базасида (*Iex.uz*) эълон қилинган ва 29.08.2020 йилдан кучга кирди.
**Қарорга 2-илов «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлук матни билан «Norma» АҚТ ва *nrm.uz* сайдига танишиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликини қисқартириш вазирлиги:

иқтисодий тармоқлари ва соҳалари, шунингдек, ҳудудлар кесимида «Йўл харитаси» доирасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши тизимили асосда таҳлил қилинишини ва уларнинг Ҳаракатлар режасида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларга эришишга тасъирини баҳолашни таъминлашсан;

зарур бўлганда, «Йўл харитаси» манфаатдор вазирліклар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан келишган хонда, Ҳаракатлар режасини амалга ошириш самарадорликни ошириша ўйналтирилган ўзгаришиш ва кўшимчалар киритсан;

Ҳаракатлар режаси ва «Йўл харитаси» доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётда таркибий испоҳотларни киритсан;

амалга оширишга тасъирини баҳолаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар ойда ахборот киришсан;

6. Мазкур қарорнинг бажарлишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликини қисқартириш масалаларни бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликини қисқартириш вазири Ж.А.Қўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 29 август
526-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 29 августдаги 526-сон қарорига 1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТИКЛАШ ВА ТИЗИМЛИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БЎЙИЧА 2020-2021 ЙИЛЛАРДАГИ АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

I-БОБ. КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ТАРҚАЛИШИННИН ИХТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишинининг олдини олиш бўйича амалга оширилган самарали чора-тадбирлар ёрдамида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан кузатилган энг ёмон ҳолатлар четлаб ўтилди.

1 миллион кишига тўғри келадиган инфекция ва ўлим даражаси (мос равишда 110 ва 0,5) дунё бўйича ўртача кўрсаткич 9-10 барабар паст (мос равишда 848 ва 50).

Инфекция билан зарарланганларни тибий кўришдан ўтилаши, профилактика қилиш, даволаш ва тибий ходимларни молиявий рабатлантириша тўғридан-тўрги санитария-гиенига ва тибий ҳаракатлар 651 миллиард сўмни (65 миллион доллар эквивалентида), карантин марказларининг қурилишига узок муддатни сармолар ва тибий асбоб-ускуналар сотиг олиши – 1,2 триллион сўмни (120 миллион доллар эквивалентида) ташкил этиди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг II чорагидаги мажбурӣ гарантин чоралари иқтисодиёт ва ихтимой соҳаларга ўз салбий тасъирини кўрсатди. Хусусан:

1) ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг I ярим йиллигига ЯИМнинг ўшици 100,2 фоизни (дастлабки прогнозга нисбатан 105,8%), саноат – 98,1 фоизни (105,9%), хизматлар – 102,6 фоизни (107,3%), кишшоқ хўжалиги – 102,8 фоизни (103,3 %) ташкил этиди.

Маълумот учун: энг оғир карантин (апрель) ойида саноатни пасайши таҳминан 22,8 фоизга (2019 йил апрелга нисбатан), хизматлар 37,5 фоизга; экспорт 9,6 фоизга баҳоланмоқда.

Жорий йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб саноат ва қурилиш корхоналарининг гарантин чораларидан боқиҷма-боқиҷ олиб чиқилиши ЯИМ, саноат ва қурилиши чукур пасайшининг олдини олди. Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётда пасайши билан эмас, балки иқтисодий ўсиш суръатлари пасайши билан пандемиянинг салбий оқибатларини чегаралайдиган саноқли давлатлардан бирни будли.

2) давлат бюджети даромадлари қимматлаҳо металларини куляй нархлари ҳисобига сезиларни даражада пасаймади.

Бирок, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигига консолидациялашган бюджет тақчилигига Инкорозга қарши курашиб жамғармасининг шаклланиши, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳисобига иккинчи даражали ҳаракатларни севкестралаштиришга қарамасдан, ЯИМнинг 4,1 фоизни (режа – 0,5 %) ташкил этиди.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларига бир қатор солиг имтиёзлари ва преференциялар тақдим этишини назарда тутиви чора-тадбирлар доирасида давлат бюджети даромадлари 2,8 триллион сўм ёки ЯИМнинг 0,4 фоиз микдориди камайди.

3) ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатлари бироз пасайди (прогноз қилинган 108,2 фоизга нисбатан 87,2 фоиз), лекин иқтисодиёт учун муҳим бўлган 39 та йирик лойиҳалар объектив шароитлар туфайли белгиланган муддатидан кеч ишга тушнилди. Бу нафақат 2020 йилда, балки 2021 йилда ЯИМнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир килади.

4) ком-аше ва бутловчи кисмларни etказиб беришида транспорт-логистика чекловлари, корхоналарнинг вақтинча ёплиши, шунингдек, хорижий мамлакатларда кўлланган карантин чоралари нафақат импортнинг 15 фоиз қисқаршига таъсир килди, балки экспорт ҳажмига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг биринчи яримда экспортдаги йўқотишлар 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 миллиард долларга, жумладан, табиий газ экспорти 735 миллион доллар, туризм хизматлари – 399,1 миллион доллар, авиация хизматлари – 150,3 миллион доллар; мева-сабзавот маҳсулотлари – 215,5 миллион доллар; мева-сабзавотлари; мис ва руҳ маҳсулотлари – 106 миллион долларга баҳоланмоқда.

5) туризм, транспортнинг барча турлари, умумий овқатлаши, ноозик-овқат товарлари савдоси, барча турдаги таълим хизматлари, маданий ва кўнгилочар муассасалар хизматлари коронавирус пандемиясидан энг кўп зарар кўрган тармоқларни ҳисобланади.

Вазият шундай мураккаблашмоқдаки, ушбу тармоқларнинг инкорозгана фаолиятини тикишга нафақат Ўзбекистон Ҳукуматининг чоралари, балки дунёда инфекция тарқалишининг умумий ҳолати билан bogлиq.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИННИН КЕНГ АВЖ ОЛИШ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ҚАБУЛ КИЛИНГАН АСОСИЙ ЧОРАЛАР, ТИКЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА 2020 ЙИЛДА КУТИЛАЁТГАН НАТИКАЛАР

1) санитария-гиенига тадбирларини ўтказиш, инфекция юқтириш ва юқтириган одамларни даволаш, иқтисодиётнинг аҳолида энг кўп зарар кўрган тармоқларни саклаш, инвестицион фаолияти ва аҳолини ихтимой кўллаб-қувватлашни ошириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш мақсадида

10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамгармасини ташкил этиш.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига, Инқирозга қарши курашиш жамгармаси маблагларни хисобидан 5,6 триллион сўм маблаг сарфланган бўлиб, шундан ташкис-тест тизимлари, реактивлар ва химоя воситаларини сотиб олиш, санитария-эпидемиология ишларини амалга ошириш ҳамда тибиёт ходимларини моддий кўллаб-куватлашга **724 миллиард сўм** сарфланди.

2) корхоналар банкрот бўлишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш, муҳотж хўжалик субъектларига, биринчи навбатда, зарар кўрган тармоқларга субсидиялар, кредитлар ёки пролонгациялар шаклидаги кўшимча молиявий ресурслар ахратиш.

